Ушбу сонда:
2 ОЛТИ ХОНАДОНГА БИТТА ТАДБИРКОР
3 ЯХШИ КУНЛАР ШУКУҲИ
8 НАВОИЙ ИЖОДИДА МЕҲРУ МУРУВВАТ ҒОЯЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 17 март, чоршанба № 44-45 (1678)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ





Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ёзёвон туманидаги «Умиджон-85» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси тикувчилик, зардўзлик, техника хизматлари, дурадгорлик бўйича аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Унинг ўн уч нафар ишчиси маҳсулотнинг сифатига, бежирим ва харидоргирлигига алоҳида эътибор беряпти. Шу сабабли ҳам туман аҳли фирма жамоасининг ишидан мамнун.

– Жамоамиз туман халқ таълими бўлими, болалар боғчалари, қишлоқ хўжалиги ишчилари учун маҳсулот етказиб беряпти, - дейди хусусий фирма раҳбари Хосият Йўлдошева. – Кўрпача, ёстиқ, чойшаб, иш кийимлари каби зарур маҳсулотлар буюртмачилар талаби даражасида тайёрлаб берилмоқда.

**Суратларда: Ёзёвон туманидаги «Умиджон-85» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси тикувчиси Феруза Набиева; зардўз усталари (чапдан) Жамила Ҳолмирзаева ва Насиба Эргашева.**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида

***Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида:***

1. «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбеккино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳани умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат фильмлар фонди фаолиятини бугунги кун талаблари негизида ташкил этиш;

кинофильмлар яратиш ва уларни намойиш этиш тизимини танловлар ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва қайта техник жиҳозлаш, аҳолига кино-видеохизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш;

импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудида кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилаш;

кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намойиш этиш.

3. «Қорақалпоқкино» давлат-акциядорлик компанияси «Қорақалпоқкино» агентлиги этиб ҳамда «Кино-видео» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг тегишли ҳудудий бўлимлари этиб қайта ташкил қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

кино ва видеомаҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва прокат бўйича фаолият турларига лицензиялар бериш, уларнинг амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг хулосасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ишчи органи вазифасини бажаради.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1427 Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида мазкур Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 16 март

*Меҳр улашади ҳар дилга Наврўз!*

## СУМАЛАКДАН ҚАЛҚИБ ЧИҚАР ОЙ

Чечаклар шитирлаб барг ёзади. Дарахт новдаларида умидлар куртаклайди. Ҳар гиёҳ, ҳар чечак тасбеҳ айтиб, ердан бош кўтаради. Қуёш заминга яқинлашиб, ўзгача файз, ўзгача ёруғлик билан нур соча бошлайди. Офтобнинг илиқ тафтидан эркаланиб замин уйғонади. Зимистонда нафаси ичига чўккан ариқ ва жилғалар кўкламда гўё қўшиқ куйлаб оқади. Табиатнинг эрка қизи шабада гоҳ нозланиб, гоҳ шиддат билан ҳар оғочга осилиб ўйнайди. Куртаклар унинг рақсини томоша қилмоқ учун чодираларидан секин мўралайдилар. Ғунчалар атридан сархушланган сабо сочларини ёйиб, қир-адирларга бош олиб кетади. У энди қизғалдоқ юзидаги пардаларни тортиб, жамолини томоша қилади. Уятдан қизғалдоқнинг юзлари қизариб кетади. Бошини ерга эгади. Шабадалар эса гир айланиб, қизғалдоқни чайқатиб-чайқатиб ўйнайди, ўйнайверади. Қирлар ял-ял ёниб, уфқ билан талашади. Сайрағоч қушлар шўх-шўх сайрайди, сўфитўрғайлар нағмаси қумрибулбул навосига қоришиб кетади. Тўтилар зокир бўлиб зикр айтади.



Олис-олисдан чанқовузнинг мунгли нолалари эшитилади. Бу - баҳорни соғиниб, инграётган дил рози. Уни ахтариб йўлга чиққан шабаданинг этакларидан ялпиз иси уфурарди. Олам навога, атир исига тўлади. Қуёш кумуш тоғлар бошига чиқиб, ўзини ойнага солиб томоша қилади. Унинг чиройидан тоғларнинг тош кўнгли эриб, жилғага айланиб, йўлини яхшиликка буркаб оқиб кетади.

Тоғ тизмаларидан сизиб чиққан оби ҳаёт мавжланиб, катта оқимга айланиб, дарёларга қуйилади. Гўзал Сурхон боғларида бодомлар ҳосилга кириб, ўрик гуллари довучча тугади. Гўзалкент қир-адирлари қирмиз бахмалдан поёндоз ёзиб, элни сайлга чорлайди. Бахмаллик сулувлар табиат келинчаги баҳор билан ҳусну ибода баҳслашмоқ учун зеболанадилар. Қадим Бухорода «Қизил гул сайли», водийда эса «Лола сайли» бошланади. Тошкент кўчалари ўрик гулбаргларига тўлади. Ургутлик чевар қизлар баҳорни соғиниб, ундан нусха кўчириб тиккан палакларини кўз-кўз қилгани сайлга чиқишади.

Бобо Самарқанд обидаларини ёмғирлар қайта-қайта ювиб, ярқиратиб қўядилар. Қизилқум чўллари найсон ёмғирлари эҳсонидан зийнатланди, кўксига раъно гуллар қадаб, чиройини жилвалантиради.

Ўлкамизга янги кун - Наврўзи олам ташриф буюради. Наврўзда руҳни, кўнгилни тозаловчи мушки анбар бор. Бу мушки анбар атридан қалбда умид шуълаланади. Унинг нафасидан дардмандлар шифо, ночорлар чора топишади. Наврўз ҳар дарахт, ҳар новдадан гулдаста ясаб, одамларга қучоқ-қучоқ шодлик улашади, булбулдек ғазалхон бўлиб, оламга ғавғо солади. Унинг нағмаларидан ҳаёт сувини ичгандек, инсон кўнгли яшаради, туйғулар янгиланади. У қуш бўлиб куйлаганда одамлар уни кўнгил билан англаб етадилар. Ватан, Ўзбекистон - жаннатнинг бир бўлагига айланади.

Бободеҳқон баркашдек кетмонини елкасига ташлаб, даласига ошиқади. Кетмонига қуёшнинг акси тушиб, гўё у офтобни елкада кўтариб, далага олиб чиқаётган паҳлавонга ўхшайди.

Момолар туни бўйи ухламай пишириб, димлаб қўйишган дошқозонлар очилади. Жаннатий таом - Сумалакдан қалқиб ой чиқади. Нуронийлар уни яхшиликка йўйиб, келаётган йил осойишталик ва тўкинлик йили бўлади, дея башорат қилишади. Маҳалла кайвониси «бисмиллоҳ» деб қозонга чўмич солади. Пиёлалар сумалакка тўлади. Дастлаб, ён-атрофдаги нуронийлар, беморлар хонадонига сумалак тарқатилади. Қутлуғ таом сабаб кўнгиллар бирлашади, ниятлар улғаяди, тилаклар ижобат бўлади.

Келинчак ёшига етиб етмаган ўғлонига сумалак ялатади. Оналар мучал ёшли дилбандларига сарполар кийдиришади. Чақалоқлар инга-ингасидан тонглар уйғонади. Доялар чақалоқларга Наврўз, Навбаҳор, Саодат, Иқболой, Ойбек, Гулбаҳор деб исм қўйишади.

**(Давоми 3-бетда)**

***2003 йилда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий валютамиз барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу эса халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамият касб этади ҳамда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва инвестициялар ҳажмининг кўпайишига қулай шароит яратади.***

***Жорий йилда мамлакатимиз пул-кредит сиёсати соҳасида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда? Биз ана шундай савол билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммад Рўзимович ЖУМАГАЛДИЕВга мурожаат қилдик.***

## МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

- «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда миллий валютанинг ички ва ташқи барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилади.

Миллий валютанинг ички барқарорлигини таъминлаш учун Марказий банк томонидан инфляцияга қарши сиёсат юритилади, ҳисоб-китоблар тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган пул-кредит сиёсати олиб борилади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, жорий йилда ҳам инфляция паст даражада, яъни йиллик 6-8 фоиздан ошмаган миқдорда бўлиши таъминланади.

Миллий валютанинг ташқи барқарорлигини таъминлаш борасида валюта бозорининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, мустаҳкам ва ягона алмашув курсини сақлаб туриш учун зарур шароит яратиш чоралари кўрилади.

**- Муҳаммад Рўзимович, яна бир масалага ойдинлик киритсангиз. Сўнгги пайтларда аҳоли орасида муомаладаги пулни алмаштириш кутилмоқда, деган гаплар юрибди. Бу миш-мишларга бирон-бир асос борми? Умуман мамлакатимизда пул муомаласининг ҳозирги кундаги аҳволи қандай?**

- Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу гаплар учун ҳеч қандай иқтисодий асос йўқ. Чунки, ҳаммага яхши маълумки, ҳозирда мамлакатимиз пул тизими тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Марказий банк томонидан амалга оширилаётган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида сўнгги йилларда республикамизда инфляция даражаси мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Масалан, инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди. Буни ҳар бир фуқаро ўзининг кундалик ҳаётида ҳам ҳис қилмоқда.

2003 йилда миллий валютамизни жорий халқаро операциялар бўйича тўлиқ алмаштириш жорий этилди. Ҳозир фуқароларимиз валюта алмаштириш шохобчаларидан чет эл валютасини ҳеч қандай чекловларсиз эркин сотиб олмоқдалар.

Бундан ташқари, мамлакатимиз банкларига қўйилган аҳоли омонатлари ҳажми кескин ошиб бормоқда. Охирги икки йилда унинг миқдори 3 баробарга кўпайди. Бунга республикамиз тижорат банклари томонидан аҳоли учун қулай шарт-шароит яратилгани, аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизими мустаҳкамлангани ҳамда Олий Мажлис томонидан «Банк сири тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси миллий валютамизнинг тобора мустаҳкамланиб, обрўйи ортиб бораётганидан далолатдир. Бир сўз билан айтганда, бундай шароитда муомаладаги пулни алмаштиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ.

**ЎзА мухбири**
**Ж.РАУПОВ**
**суҳбатлашди.**

## «ХУШ КЕЛДИНГ, ЭЗГУЛИК АЙЁМИ!»

Уйчи туманидаги барча меҳнат жабҳаларида, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда Наврўз нафаси кезмоқда. Деҳқонлар эзгу ният билан ерга барака уруғи қадасалар, корхона, ташкилот, мактаб ва маҳаллаларда ободончилик ишлари. Учқўрғонни гуллар шаҳрига айлантириш ойлиги бошланди. Туманда Наврўз арафасида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Янгиер қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшлар маркази ва Хотира хиёбони барпо этиш, Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида фойдаланилмай ётган маданият саройи биносини касб-ҳунар коллежига айлантириш, «Кучай» қишлоқ фуқаролар йиғинида бадиий гимнастика зали, «Чек» қишлоқ фуқаролар йиғинида янги қишлоқ врачлик пункти қурилиши бошланди.

Туманда бошқа хайрли тадбирларга ҳам қўл урилди. Яқинда бўлиб ўтган «Меҳнат ярмаркаси»да 13 ширкат хўжалиги ва 10 ташкилот ўзидаги бўш иш ўринлари билан қатнашди. Унда 74 нафар фуқаро ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди.

Шуниси характерлики, туманда байрамолди тадбирларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Умумхалқ байрамини тантанали нишонлаш мақсадида корхона, ташкилот, маҳалла ва ўқув муассасалари ўртасида ўтказилаётган «Хуш келдинг, эзгулик айёми!» кўрик-танловининг биринчи босқичи ниҳоясига етди.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Журналист нуқтаи назари*

## МУАЛЛИФЛИК ДАЪВОСИ АСОСЛИМИ?

***Бебаҳо бойлик пахта хомашёсининг сифатини янада яхшилаш мақсадида ғўзанинг янги, истиқболли навларини яратиш борасидаги ишларни узлуксиз давом эттириш жуда муҳим. Афсуски, Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти Самарқанд филиали олимлари 3 йилдирки асосий ишдан чалғиб, суд маҳкамалари эшигида сарсон бўлиб юришибди. Негадир республикадаги нуфузли идораларнинг, илмий муассасаларнинг асосли хулосалари инобатга олинмаяпти. Қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни қўллаш ва талқин қилишда чалкашликка йўл қўйилмоқда.***

Ғўзанинг «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навларини яратиш борасидаги тадқиқотлар ЎзПИТИнинг Самарқанд филиалида ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган эди. Бу навларнинг бири 1989 йил 11 декабрда, иккинчиси 1993 йил 21 декабрда давлат комиссияси томонидан синаш учун қабул қилинган. Ўша вақтдаёқ ЎзПИТИ Самарқанд (пахтачилик тажриба станцияси) филиали илмий-техникавий кенгаши қарорлари билан муаллифлар гуруҳлари аниқланган ва давлат комиссиясига тақдим этилган. «Оқдарё-5» навини яратган муаллифлар рўйхатига Ҳ.Ибрагимов, П.Плотников, В.Дубоносов, А.Бонка киритилган. «Оқдарё-6» навининг селекционерлари сифатида Ҳ.Ибрагимов, П.Плотников, В.Дубоносов, Ш.Ибрагимов, Э.Абдураҳмоновлар қайд этилган. Таажжубки, орадан шунча вақт ўтгач «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навлари муаллифлигига А.Шапишников ва А.Тошев ҳам даъво қиляпти. Улар ўша вақтда ҳам Самарқанд филиалида ишлашган, илмий-техникавий кенгашнинг ҳар иккала мажлисида шахсан қатнашишган. Лекин, муҳокама жараёнида ўзларининг янги навлар яратилишига дахлдорлиги ҳақида, селекция ишидаги ҳиссалари ҳақида лом-мим дейишмаган. Давлат комиссиясига синаш учун «Оқдарё-5» нави топширилганидан 11 йил, «Оқдарё-6» нави топширилганидан 9 йил ўтиб муаллифликка даъво қилиш уларга нима учун керак бўлиб қолди?

Мавжуд барча ҳужжатлар А.Тошев ва А.Шапишниковларнинг янги навларга муаллифлик даъвоси асоссиз эканлигини билдиради. Шунга қарамай фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди уларнинг даъвосини қаноатлантирди.

Фикримизча, суд қуйидаги баъзи муҳим жиҳатларни эътибордан четда қолдирган. ЎзПИТИнинг Самарқанд филиалида тўртта бўлим бор. Шундан фақат селекция ва уруғчилик бўлимида ишлайдиганлар янги нав яратиш билан машғул бўладилар. Бошқалар ҳам ерни тайёрлаш, уруғ саралаш, чигит экиш, суғориш, чопиқ, ҳосилни териш каби юмушларда иштирок этиши мумкин. Лекин кундалик меҳнат фаолиятини узоқ йиллик машаққатли ижодий меҳнатдан фарқ қилмоқ керак. Янги нав яратиш осонмас. Бунинг устига янги сифатларга эга уруғ қачон олинишини олдиндан айтиш қийин. Ана шундай уруғ олингач, дастлаб кичик станцион синов, кейин конкурс синови ўтказилади. Янги нав хусусиятларининг барқарорлиги, бошқа навларга нисбатан фарқи таъминлангач, у давлат комиссиясига топширилади. Худди мана шу босқич янги нав яратилган босқич ҳисобланади.

Лекин фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди (судья Д.Қаршиева) қишлоқ хўжалик экинларининг навларни синаш давлат комиссияси тўғрисидаги низомнинг биринчи бандида **«қишлоқ хўжалик экинлари навларининг давлат нав синаш жараёни селекция ишларининг давоми ҳисобланади»** – деган таърифни нотўғри талқин қилган кўринади. Аслида бу таърифнинг мазмуни яратилган янги навни унинг муаллифлари иштирокисиз, холисона синаш, айни пайтда синовни мақсадга мувофиқ ўтказишни назарда тутади. Шунинг учун синов селекциянинг мантиқий давомидир. Лекин давлат комиссиясига топширилгандан сўнг мазкур навга дахлдор селекция тадбирлари амалга оширилмайди. Бундан кейинги уруғни кўпайтириш, навни районлаштириш ишлари саноат асосига ўтказилади. Шунинг учун Иштихон туманлараро суди томонидан **«давлат нав синаш тармоғига топширилгандан сўнг яратилаётган ғўза навлари устида Бонка А.П., Плотников П.Н. ва Дубоносовлар ишдан кетган бўлиб бу навларни дастлабки уруғчилик ва уни кўпайтириш билан умуман ишламаганлар. «Оқдарё-6» ғўза нави бўйича Плотников Павел нав синаш жараёнида иштирок этмаган»** – деб ҳисобланиши нотўғри. Чунки бу олимлар ишдан кетганларига қадар янги навларни яратиб қўйишган. Уни синовдан ўтказиш, уруғини кўпайтириш, районлаштириш эса давлат комиссиясининг, қолаверса, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг вазифасига киради.

Иштихон туманлараро суди қарорининг матнида **«Плотников П.Н. 1980-1991 йилларда, Бонка 1988-1990 йилларда селекция ва уруғчилик бўлимида умумий селекция бўйича ишлаб, алоҳида «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навлари селекцияси бўйича ишламаганлар»** – деган қайд бор. Тушуниш керакки, тадқиқотлар ҳеч қачон фақат битта йўналишда олиб борилмайди. Кўплаб йўналишларда бошланган тадқиқотларнинг самарасизларидан воз кечилиб, келажаги бор йўналишлар давом эттирилади.

**(Давоми 2-бетда)**

*2004 йил – Меҳр ва мурувват йили*

# «НАРГИЗ» ГУРУНГ БЕРАДИ

***Урганч шаҳрининг ўртасидан ўтган Шовот канали бўйидаги бу чойхонани кимдир «Файзли оромгоҳ» деса, бошқа биров «Меҳр- мурувват маскани» дея таърифлашади. Ҳар иккала эътирофда ҳам жон бор. «Наргиз» дея номланган бу чойхона хўрандаларга хизмат қилишдан ташқари никоҳ тўйлари, туғилган кунлар нишонланадиган сўлим бир гўша. Ҳар ҳафтанинг жума куни эса хайрия оши берилади. Яккаёлғизлар, етим-есирлар бир пиёла чой устида бир-бирларининг кўнгилларини кўтарадилар. Сергўшт, сертаъм сузма паловни зўр иштаҳа билан тановвул қилишиб, дуога қўл кўтардилар.***

Дуолар ижобат бўлганиданми, «Наргиз» чойхонаси ҳамиша гавжум, одам аримайди. Зеро, донишмандлар билиб башорат этишган. Ғариблар кўнглини овламоқ – Каъба тавофига тенг. Олдинлари чойхонадаги хайрия ошига шу атрофдаги икки-уч маҳаллалардаги саноқли одамлар келиб юрди. Чунки кўплар бунга ишонқирмай қарашди. «Бозор иқтисоди даврида ҳар жума куни узлуксиз ош бериб бўладими? Бир-икки марта берилар, боринг, тўрт-беш марта. Сўнг ўз-ўзидан тўхтаб қолади» дейишди улар. Лекин ундай бўлмади. Ойлар, йиллар ўтган сайин бу савобли иш давом этаверди. Бу беминнат илтифотдан хабар топишиб, шаҳарнинг бошқа ҳудудларидан ҳам кексалар кела бошладилар. Ҳар жума улар учун бамисоли байрам – фақат таомлардан эмас, бир-бирларининг дийдоридан, суҳбатларидан тўядилар. Йўлдош Ёқубов 63 ёшда. Узоқ йиллар «Хоразмқурилиш» бошқармасида бульдозерчи бўлиб ишлаган. Айни нафақага чиқиб, кексалик гаштини сурай, деганида касаллик ўз забтига олди. Икки оёғи йиринглаб, гангрена бўлди. Шифокорлар ҳар иккала оёғини тиззасидан юқорисигача кесиб ташламаса бўлмаслигини айтишди. Начора! Аваллари йигитлардек гурсиллаб қадам ташлайдиган Йўлдош Ёқубов чойхонага ногиронлар аравачасида келади. Ҳамроҳлари Отабой Қурбонов, Қудрат Исмоилов, Ғойибназар Чанглиев, Отаназар Аҳмедов, Александр Иванов, Валентина Филатова, Сора Раимоваларнинг ҳам ўзларига яраша дарди, дунёси бор. Шу боис улар дард-у қувончларини баҳам кўришмоқ имконини яратган хотамфеъл одамларга минг бора миннатдорчилик билдирадилар.

– Иккала кўзим ҳам кўрмайди, - дейди Наил Шукруллаев. – Бироқ кўнгил кўзларим билан дўстларимни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилади, таскин-тасалли топаман. Фақат Меҳр ва мурувват йилида эмас, беш-олти йилдан буён бизга мана шундай меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатишаяпти.

Эзгулик йўлида қилинган заҳматларни Оллоҳнинг ўзи қўллаб-қувватлайди. Бир пайтлари яроқсиз ва кўримсиз, номигагина чойхона бўлиб турган бинони хусусийлаштириб, сўлим бир масканга айлантирган Озодбой Матрасулов, ўғли Шерзод, қадрдон дўсти Собиржонлар бугун эл эъзозида, ишлари юришиб турибди. Чойхонада 32 нафар киши ишлайди. Ҳар бирининг ўз ўрни, хизмати бор. Гулчеҳра Раҳимова, Ширин Майлиева, Хушнуд Ҳакимов, Нуриддин Исмоиловлар таомлар тайёрласа, Муродбек Девонов иссиққина бўрсилдоқ нонларни шундоққина тандирдан узиб, дастурхонга қўяди. Роза Бадаева ажойиб, хуштаъм салатлар тайёрлайди. Саломат Матрасулова хоҳлаган чойингизни муҳайё қилади. Сафарбой Қўчқоров боғ, гулзорларни яшнатса, Қурбонбой Раҳимов бедана ва бошқа сайроқи қушлар билан «тиллашади».

– Мана шундай ажойиб жамоаси бор бу чойхонанинг. Эрта-ю кеч эл хизматда, - дейди Урганч шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Аҳмаджон ака Собиров. – Айниқса, ҳар жума куни хайрия оши бериб, олқиш, эътибор, эъзозга мушарраф бўлиб келишяпти. Рамазон, Қурбон Ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик ва бошқа байрамларда ҳам катта дошқозонларда элга ош беришади. Шундай пайтларда таниқли шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар ҳам таклиф қилинади.

**Солияжон РАҲИМБЕРГАНОВА, АБДУЛЛА САФОЕВ**





**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

Бухоро шаҳридаги катта ёшлилар поликлиникасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда 37 нафар шифокору ҳамшира эл соғлиғи йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Улар туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини доимий назорат остига олишган. Шу мақсадда аёллар вақт-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Шунингдек, шаҳар мактабларида меҳнат қилаётган ўқитувчилар тиббий кўригини ташкил этиш ҳам шифо маскани зиммасида. Қисқаси саломатлик посбонлари аҳоли соғломлик даражасини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Улар кунига ўртача 110 нафар кишига тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

**Суратларда: поликлиника бош шифокори Жонибек Матниёзов; катта ҳамшира Насиба Раҳматова.**

## НАЙНАВОЛИК САЙЁҲ

***Шаҳрихон туманидаги Найнаво ширкат хўжалиги пудратчиси Эгамназар Жалилов бир ҳафта мобайнида велосипедда мамлакатимизнинг тарихий жойларини зиёрат қилди. У Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларида бўлди.***

-Бундай саёҳатлар айниқса саломатлик учун фойдали, деди, Э.Жалилов “Туркистон-пресс” мухбирига. – Бундан ташқари, унча харажатни ҳам талаб қилмайди. Мен Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тарихий ёдгорликларни кўрдим, улуғ аждодларимизнинг мақбараларини зиёрат қилдим. Шунингдек, сафар давомида кўплаб танишлар ва дўстлар орттирдим.

Эндиликда найнаволик юртдошимиз велосипедда ҳаж зиёратига боришни ният қилмоқда.

## ТИКУВЧИЛИК САНЪАТИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида тикувчилик касб-ҳунар коллежларини қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар шу йўналишдаги 75 коллеж замонавий тикувчилик машиналари билан жиҳозланди. Бу ўз навбатида мамлакатимиз енгил саноати учун 5 минг нафардан зиёд мутахассис тайёрлаш имконини беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда «Пфафф-Зингер савдо уйи» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган бу ишлар 2010 йилгача мўлжалланган. Мазкур корхона айнан шу номдаги немис компаниясининг Ўзбекистондаги расмий ваколатхонаси бўлиб, юртимизда қарийб тўрт йилдан буён тикувчилик ва трикотаж ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан шуғулланмоқда.

- Бизнинг дастгоҳлар ишлаб турган коллежларни битирувчи ёшлар келгусида Европанинг Пфафф, Бернина ва Хускуарна каби машҳур фирмаларининг энг замонавий юқори самарали тикув машиналарида ишлаш кўникмаларига ҳам эга бўлади, - деди «Пфафф-Зингер савдо уйи» шўъба корхонасининг директори Жидрунас Сейлюс ЎзА мухбирига. - Бу машиналар фойдаланиш учун қулай ва сифатлидир. Унда гул ва расмлар дизайнини яратиш, уларни Интернет ёрдамида олиш ва ушбу расмларни матога босиш мумкин.

Ўзбекистон азал-азалдан ўзининг ранг-баранг зардўзлик, сўзана ва гиламлари билан машҳур бўлиб келган, дея сўзини давом эттирди Ж.Сейлюс. Европада бир вақтлар Буюк ипак йўли орқали етиб борган машҳур хонатласлар, қўлда тўқилган гиламлар ва сўзаналарга ҳозир ҳам қизиқиш катта.

**(ЎзА)**

*Меҳнат муҳофазаси*

# РАҲБАРГА МАЪМУРИЙ ЧОРА КЎРИЛДИ

Акциядорлик компаниямиз мамлакатдаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг чўл ва тоғ минтақаларида жойлашган ташкилотларида 5000 га яқин касаба уюшма аъзолари меҳнат қилишмоқда. Ҳисоролди, Косон, Қоровулбозор, Олот нефтгаз қидирув экспедициялари жамоалари кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан мамлакатимиз табиий ресурсларини қидириб топиш ва халқ хўжалигида фойдаланиш йўлида фидойилик кўрсатмоқдалар.

Мураккаб иш жараёнида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, шикастланиш ва касбий касалликларни камайтириш соҳасида раҳбарият ва касаба уюшма қўмитамиз билан ҳамкорликда ишлаётгани самара бераяпти. Бахтсиз ҳодиса учун корхона биринчи раҳбари ва бош муҳандиси бевосита жавобгар ҳисобланади.

Икки томонлама тузилган жамоа шартномасига заҳарли ва енгил алангланувчи суюқликларни сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, автоматик ҳимоя воситалари, мосламаларига, масофадан бошқариш асбобларини ўрнатиш, ишлаб чиқаришда касб касалликлари олдини олиш, меҳнат шароитини яхшилаш, иш жойларини ёритиш, техника хавфсизлиги хоналари ташкил этиш каби бандлар киритилган.

Акциядорлик компания ташкилотларида меҳнат муҳофазаси хизмати ишлаб турибди. Соҳа ходимлари, ишчи-хизматчилар ҳар йили қайтадан ўқитилади ва аттестациядан ўтказилади. Биринчи раҳбар раислигида ишчи комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ўтказилган текширишларда 15 та камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Хавфсизлик техникаси қоидалари ижросини тўлиқ таъминламаганлиги учун 4 нафар масъул ходим лавозимидан бўшатилди. 28 нафар мутасадди раҳбарга маъмурий чора кўрилди, 6 нафаридан жарима ундирилди.

Бурғулаш вахтаси ишчилари 24 соатлик ўқув дастури асосида тайёргарликдан ўтдилар. Ёнғин ва фаввора хавфсизлиги бўйича ўқитиш ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда олиб борилади. Бурғулаш қудуқлари ва конларда ишлаётган 100 нафардан ортиқ ходим ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Дала шароитида ишлаётган ходимлар учун барча қулайликлар яратилган. Участкаларда дам олиш ва санитария-даволаш хоналари мавжуд. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш шартномага асосан амалга оширилади. Қиш кунлари хоналар иситилади, ёзда эса совутгичлар билан жиҳозланади.

Касаба уюшма қўмитаси ҳисобида «Геолог» профилакторийси ва «Беруний» болалар оромгоҳи бўлиб, бу масканларда меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзолари, фарзандлари дам олиб, соғлиқларини тиклаяптилар.

Касабақўмнинг бурчи фақат ишчиларга қулайлик яратишдан иборат эмас. Ойлик маошларни вақтида берилишини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир. Шу боис иш ҳақидан қарздорликни камайтириш доимий назоратда турибди.

Маошларни вақтида тўлашни таъминламаганлиги учун «Қашқадарё технологик транспорт» очиқ ҳиссадорлик жамияти раисининг муовини Х.Арслонов, компания бош директорининг ўринбосари К.Ғозиевлар 50 фоиз мукофот пулидан маҳрум этилди. Нефтгаз очиқ акциядорлик жамияти раиси М.Сайдалиевга огоҳлантириш эълон қилиниб, бош ҳисобчи Т.Тоғаев вазифасидан озод этилди.

Хотин-қизлар, вояга етмаганларнинг меҳнатини ижтимоий ҳимоялашга масъулият билан қаралмоқда. Корхона ва ташкилотлардаги 459 нафар аёллар алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Уларга боласига қараш пайтида қўшимча таътил ва байрамларда энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида мукофот берилятпи. Ойма-ой овқат пули ва сабзавот маҳсулотлари олиш учун имтиёзли тўловлар жорий қилинган.

Қўмита ҳузурида маданий-оммавий ишлар, спорт ва жисмоний тарбия, меҳнатни муҳофаза қилиш, фуқаролар аризаларини рўйхатга олиш ва уларга уй-жой ажратиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиялари доимий ишлаб турибди. Касабақўм ташаббуси билан ишчи Ш.Қурбоновга 200 метр газ қувури, Ж.Ашуров, Ш.Ёқубовларга эса қурилиш материаллари ажратилди. Ходимлардан Ж.Бўриев, З.С.Прохорова, В.Бахарев, А.Берман кабилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди.

Корхона ва ташкилотларда 291 нафар кам таъминланган оилалар, 136 нафар нафақахўр, 54 та байналмилал жангчи, 50 та ишлайдиган пенсионерлар бўлиб, уларга ғамхўрлик кўрсатиляпти. «Орол оналари ва болалари», «Экология ва саломатлик» ҳашарлари ўтказилиб, ундан тушган маблағ ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига сарфланди.

Хуллас, касаба уюшма қўмитаси, унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари асосий эътиборни ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратган.

**Ғ.ҚУРБОНОВ, «Ўзурғунефтгаз» акциядорлик компанияси бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

## АСОСИЙ МЕЗОН СИФАТ

***Андижондаги “Интер-саноат” масъулияти чекланган жамияти ўтган йили 31,5 миллион сўмлик эркак-аёллар ҳамда болалар пойафзалларини тайёрлаб, савдога чиқарди.***

-Пойафзалларнинг юқори сифати ва замонавий дизайни маҳсулотимизнинг нафақат вилоятда, балки бутун республикада сотиш мяконини бермоқда, деди МЧЖ раҳбари Абдувосит Эгамов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Биз бу ишга қўл уришдан аввал Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатларда бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўргандик. Хориждан техника, дастгоҳларни келтирдик. Ишга моҳир усталарни жалб этдик, шу билан ҳаммаси аста секин изга тушиб кетди.

А. Эгамовнинг таъкидлашича, пойафзаллар маҳаллий хомашёдан тайёрланмоқда. Бу эса маҳсулот таннархининг арзонлашувига олиб келяпти.

**“Туркистон-пресс”**

*«Бандлик» дастури амалда*

# ОЛТИ ХОНАДОНГА БИТТА ТАДБИРКОР

***Бозор иқтисоди даврида ишсизлар пайдо бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Чунки банкротликка юз тутган, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни эплай олмаган корхона ва хўжаликларда ишлаб чиқариш тўхтатилиши муносабати билан меҳнатга лаёқатли фуқаролар ишсиз қолишга мажбур. Бундай пайтларда жойлардаги туман ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими саъй-ҳаракати ва масъулиятига кўп нарса боғлиқ бўлади.***

– Ўтган йили аҳолининг иш билан бандлик даражаси кўзда тутилганидан юқори бўлди, – дейди Жондор тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Н.Болтаев. – Бунда туман ҳокимининг қарори билан йил бошидан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш ҳисобидан ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган. «Бандлик-2003» дастури муҳим аҳамият касб этди. Дастур талабларидан келиб чиқиб, биз асосий эътиборни ишлаб чиқаришга асосланган кичик ва хусусий тадбиркорлик тармоқларини кўпайтиришга қаратдик. Сабаби ўзимизда қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса, шунча рақобатбардошлиги ошади ва бундай ҳолат уларнинг нархи арзонлашувига ҳам таъсир этади. Ана шундай ният билан ташкиллаштирилган тадбирларимиз натижаси ёмон бўлмади. Масалан, туманимиз халқ хўжалигида 55 минг нафар фуқаро иш билан банд бўлса, улардан 22,5 минг нафари кичик ва хусусий тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётир.

Мазкур масалада жиддийроқ фикрга келиш учун аввало, якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркор ва ҳунармандлар имкониятларини синчиклаб ўрганиб чиқдик. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, туманимиз ҳудудида новвойлик, зардўзлик каби оммалашган касб-корлардан ташқари, тандирсозлар, пичоқчилик, ўроқчилик, чармни ошлаб, пойафзал тикиш, юмшоқ мебел ясовчи сингари турли ҳунармандлар мавжуд экан. Тегишли маслаҳат, тавсиялар берганимиздан кейин улар тадбиркорлар сафини кенгайтирдилар. Агар бурноғи йили 13 хонадонга бир тадбиркор тўғри келган бўлса ўтган йили бу кўрсаткич 51 фоизга яхшилангани кузатилди. Ёки 6 хонадондан бирида тадбиркор рўйхатга олинди...

Аҳолининг бандлик даражасини ошириб бориш ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий масалалар сирасига киради. Шунинг учун унга долзарб вазифа сифатида қараш кўникмаларини шакллантириш ғоят муҳимдир. Чунки ишсизни ишли қилиш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш демакдир. Шу нуқтаи-назардан ўтган йил якунларига назар ташланса, жами яратилган янги иш ўринлари сони 2504 тани ташкил этади. Бу белгиланганидан бирмунча кўп.

Шунингдек, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан 363, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан 2010, якка тартибда фаолият юритувчилар ҳисобидан 254 ва ижтимоий инфраструктура йўли билан эса 131 та янги иш ўринлари очилди ва ҳоказо.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган фуқароларни иш билан таъминлаш ва моддий-маънавий қўллаб-қувватлашдир. Шундайлардан 400 нафардан зиёдроғи корхона ва ташкилотлар томонидан яратилган квоталанган иш ўринларига жалб қилинди. Балоғотга етмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам шу каби тадбирлар қўлланилди. Ишсизлик даражасини камайтириш юзасидан 9 марта ўтказилган меҳнат бозори ярмаркаси ҳам кутган самарани берди. Вилоят «Бандлик» жамғармаси томонидан эса кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўлаб-қувватлаш ҳамда янги иш ўринларини очиш мақсадида 25 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Қисқаси, жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 2800 та янги иш ўринлари яратилиши керак. Агар бунга эришилса, бу борада аввалги йилларга нисбатан анча ўсиш қайд этилган бўлади. Яна икки қўшма корхонанинг ишга туширилиши эса ишсизлар сонини янада қисқартиришга имкон туғдиради.

**Абдунаби МАННОНОВ, Усмон НАВРЎЗОВ**

# МУАЛЛИФЛИК ДАЪВОСИ АСОСЛИМИ?

*Журналист нуқтаи назари*

(Боши 1-бетда)

Судда А.Тошев ва А.Шапишниковларнинг даъвосида келтирилган далилларга асосланиб, уларни мантиқий таҳлил қилмай қарор қабул қилинган дейилишига асос бор. Акс ҳолда суд Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти олимларининг, хусусан селекционерлар Т.Ҳолхўжаев, Р.Кимларнинг, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессори, ЎзҚХФА мухбир аъзоси Д.Абдукаримов, профессор И.Эргашевларнинг хулосалари билан ҳисоблашган бўларди. Иштихон туманлараро судининг 2003 йил 25 октябрдаги 02/31 рақамли сўров хатига жавобан юқорида номлари айтилган нуфузли илмий муассасалар – ЎзҒСУИТИ ва ЎзПИТИ олимлари расман қуйидагиларни маълум қилишган: **«Экинларнинг янги навларини яратиш ва уларни ДНСга топшириш билан боғлиқ ишларнинг ҳаммаси интеллектуал ижодий меҳнат ҳисобланади. Нав яратилиб, давлат нав синаш шохобчасига топширилишидан олдин асосий муаллиф ва ҳаммуаллифларнинг меҳнати ҳисобга олинган ҳолда тегишли фоизлар белгиланади ва илмий кенгашга тақдим этилади. Илмий кенгаш ҳар бир муаллифнинг муаллифлик фоизини тасдиқлайди... Давлат нав синашига топширилган навнинг дастлабки уруғчилиги билан институт қошидаги тажриба станциялари, уруғчилик хўжаликларида шуғулланишади ва бу ишни амалга оширган илмий ходимлар ҳаммуаллифликка даъвогар бўла олмайди. Чунки навнинг дастлабки уруғчилиги билан шуғулланиш ижодий меҳнат ҳисобланмайди».**

Шунга қарамай, суд ижодий меҳнат ҳисобланмайдиган оддий ишлаб чиқариш жараёнида қатнашган А.Тошев, ва А.Шапишниковларни ҳаммуаллифликка ҳақли, деб ҳисоблайди. Агар шу йўлдан бориладиган бўлса, Самарқанд филиалининг иш режасига кўра 1993 йилда ғўзанинг бир қанча навлари, жумладан, «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навлари бўйича «Экологик нав синаш тажрибаси» ўтказган ходим А.Шерматовани ҳам янги нав муаллифлари қаторига қўшиш керакми? Шу каби ишларни бажарган бошқа ходимларни-чи? Бу иш муҳокамасига киришишдан олдин ижрочилик ва ижодкорлик меҳнати ўртасидаги фарқни теран англаб олиш керак, шекилли.

Илгарироқ айтганимиздек, ЎзПИТИ Самарқанд филиалининг селекция ва уруғчилик бўлимидагина илмий ижодий меҳнат, бошқа бўлимларда ижрочилик (ишлаб чиқариш) меҳнати билан шуғулланишади. Самарқанд филиалининг селекция ва уруғчилик бўлимига А.Тошев 1991 йил 1 апрелдан, А.Шапишников 1991 йил 31 мартдан ўтказилган. Энди эътибор қилинг, «Оқдарё-5» нави ДНСга 1989 йил 11 декабрда топширилган. Хўш, уларнинг бу нав бўйича ҳаммуаллифликка даъво қилишлари асослими? Шунга қарамай, фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2002 йил 29 майдаги мажлиси даъвогарларнинг ҳар бирини «Оқдарё-5» нави бўйича 12,5 фоиз, «Оқдарё-6» нави бўйича 10 фоиздан ҳаммуаллиф, деб топган. Бу қарор вилоят суди томонидан бекор қилинган. Лекин Иштихон судининг 2004 йил 26 февралдаги мажлисида ҳар икки нав бўйича даъвогарларнинг ҳар бири 15 фоиздан ҳаммуаллиф, деб белгиланди. Энди инсоф билан айтганда селекция ва уруғчилик бўлимига ўтказилганидан сўнг А.Тошев ва А.Шапишников 1,5-2 йил ичида «Оқдарё-6» навига бирор янгилик қўшишдими? Бунинг асло иложи йўқ эди. Чунки «Оқдарё-6» нави 1990 йилдаёқ конкурс синовига қўйилган. Бу эса нав устидаги селекция ишлари ниҳоясига етди, деганидир...

Судда даъвогарлар А.Тошев ва А.Шапишников (ишончли вакил орқали) ўзларининг янги нав муаллифлари рўйхатига киритилмаганликларини ўша вақтда билмай қолганликларини айтишган. Шу боис ЎзПИТИ Самарқанд филиали илмий-техникавий кенгашининг 1989 йил 29 ноябрдаги ҳамда 1993 йил 7 декабрдаги қарорларини бекор қилишни сўрашган. Лекин илмий-техникавий кенгашнинг ҳар иккала мажлисида А.Тошев ҳам, А.Шапишников ҳам қатнашган. Ўшандан бери ўтган йиллар ичида нега улар ўз ҳуқуқларини талаб қилиб, бирор идорага мурожаат қилишмади? Нега бу масала янги навлар учун моддий рағбатлантириш жараёни бошлангандан кейин кўтариляпти? Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг 150-моддасида ҳар қандай даъво қилишнинг умумий муддати 3 йил эканлиги аниқ-равшан ёзиб қўйилган. А.Тошев ва А.Шапишниковларнинг қонунда белгиланган муддатни ўтказиб юборишига бирор асосли, узрли сабаб бормиди? Нега бу ҳолатларга қонуний, ҳолисона баҳо берилмади? Ўтказиб юборилган даъво муддати суд томонидан нимага асосан тикланган?

Бизнингча, фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди бундай қарорга келишига назорат тартибида протест киритилиши сабаб бўлгандир балки. Протестда: **«даъвогарлар селекция ва уруғчилик бўлимига қабул қилинганларидан сўнг низоли навлар устида то ушбу навлар районлаштирилгунга қадар муаллифлик назоратини олиб борганлар»** – деб уқтирилади. Ҳолбуки, муаллифлик назорати фаолиятининг селекция жараёнига алоқадорлигини аниқлаш ҳақида кўрсатма берилиши керак эди. Чунки, яна таъкидлаймизки, янги нав давлат нав синовига топширилгандан сўнг селекция ишлари ниҳоясига етган ҳисобланади. Муаллифлик назорати деганда уруғчилик хўжаликлари ва тажриба станцияларида ғўза нави ва агротехникаси бўйича илмий тавсияларни тўғри амалга оширишни назорат қилиш тушунилади. Бу ғўза агротехникасига, технологияга риоя қилишни таъминлашни кузатиб бориш бўлиб, ижодий иш эмас.

Шунингдек, мазкур протестдаги: **«суд ишни кўришда ғўза навлари давлат нав синаш комиссиясига 1989 йил ва 1993 йилларда топширилганлигини инобатга олган ҳолда низо ўша пайтда амалда бўлган қонун нормаси асосида ҳал этилиши лозимлигини инобатга олмаган»** – деган сатрлар баҳслидир. Суд ушбу иш муҳокамасида ўша пайтда амалда бўлган қонун нормаларини қўллай олмайди. Негаки, даъвогарлар илк марта ҳаммуаллифликни талаб қилиб судга 2002 йилда мурожаат қилишган. Демак, иш даъво аризаси киритилган вақтда амалда бўлган қонунлар асосида кўрилади.

Хуллас, А.Тошев ва А.Шапишниковларнинг даъволарини рад этишга қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин, назаримизда. Биринчидан, «Оқдарё-5» нави яратилиш ва уни давлат нав синовига топшириш даврида А.Тошев ва А.Шапишников ЎзПИТИ Самарқанд филиалининг селекция ва уруғчилик бўлимида ишламаганлар. Селекция жараёнида ижодий меҳнатлари билан иштирок этишмаган. «Оқдарё-6» нави давлат нав синаш комиссиясига топширилгунга қадар улар селекция ва уруғчилик бўлимида 1,5-2 йилдан ишлашган. Бу вақтда «Оқдарё-6» нави бўйича конкурс синовлари ўтказилаётган, яъни селекция жараёни ниҳоясига етказилган эди. Иккинчидан, даъвогарлар 1993 йилдан кейин ўтган йиллар мобайнида ЎзПИТИнинг Самарқанд филиалида ишлаб ЎзР «Фуқаролик кодекси»нинг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддатини узрли сабабларсиз ўтказиб юборишган. Агар улар ҳақиқатда селекция жараёнида бевосита иштирок этишганида муаллифлар рўйхатига киритилмасликларига ўша вақтдаёқ эътироз билдиришарди.

Сўнгги сўз шуки, узоқ йиллик машаққатли тадқиқотлар олиб бораётган, ғўзанинг янги истиқболли навларини яратиш йўлида тинмай изланаётган олимлар ҳайратомуз «даъвогарлар»ни деб суд маҳкамаларида сарсон бўлишаётгани, қимматли вақтни зое кетгазишаётгани янада ачинарли.

**Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ



*Барча юртдошларимизни, касаба уюшма ходимларини Наврўзи олам шодиёналари билан муборакбод этади*







*Она Ватанимиз узра Озодлик ва Ҳурлик қуёши мангу порлайверсин! Муқаддас юртимиз шуҳрати янада зиёда бўлсин!*

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ





*Бунёдкор ўзбек халқини, барча тармоқ ходимларини қадриятларимизни улуғловчи, тараннум этувчи Наврўзи олам билан самимий қутлайди!*

# БУХОРО ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Шу саодатли ва нафосатли кунларда барчангизга ҳурмат-эҳтиромимизни билдирган ҳолда суюкли Ватанимизда тинчлик, халқимиз ҳамиша омон бўлишини, йилимиз омадли келишини Яратгандан тилаб қоламиз!*

# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ







*Баланд айлаб қуёшга поя Наврўз,*
*Кўтарди ер юзидин соя Наврўз,*
*Келиб файзу нишоту айш бирла,*
*Муҳайё қилди элга воя Наврўз.*

Огаҳий







# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»



*Ўз акциядорлари ва мижозларини, барча-барчани Наврўзи олам билан самимий қутлайди!*



*Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиат чексиз саховатининг ёрқин кўринишидир*





*Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!*

**«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

Орзулар ушалганда

**Мумтоз адабиётимизда гулдек очилиб туришни «гули ханда» дейдилар. Наврўз баҳорида бутун табиат ана шундай табассумда кўринади.**

# ШОДИЁНА ҲАЁТ ХАНДАСИ

Зардуштнинг «Авесто» номли муқаддас китобидаёқ зиё билан зулмат орасидаги азалий кураш, фасллар алмашинуви, яралиш билан емирилиш ўртасидаги тортишувлар ҳақида ажойиб ҳикоятлар тўқилган. Дарҳақиқат, жуда ҳайратомуз ҳолат: Ердан бир неча миллиард астрономик адад узоқлигидаги Қуёш Еримиздаги фаслларни, уларнинг такрорланиб туриш жараёнини бошқариб туради. Ана шунинг оқибатларидан бири 21-22 мартга тўғри келадиган бизнинг Наврўзимиздир.

Диққатга сазовор жойи шундаки, Ер билан Қуёш бир-бирларига яқинлашгандан кейингина баҳмал баҳор бошланади. Сўнгра тўкин ёз келади. Масофа узоқлашган сайин илиқ ҳаво ўз ўрнини хазонрезги, аёз қишга бўшатиб беради.

Ўз вақтида бузрукворНавоийимиз ёзган эди:

*Жондин ана кўп севарман, эй умри азиз,*
*Сондин сени куй севарман, эй умри азиз.*

Бу, ўз ниятига етолмаган одампарвар инсоннинг эзгу истаги эди. Лекин минг афсуски, бундай оғир ҳаёт ўтмиш боболаримизга камдан кам насиб этди. Замонанинг зулми туфайли гўё баҳор ва ёз бор эди-ю, аммо унда севимли ҳаёт йўқ эди. Бори эса қон ва ҳасратдан иборат эди. Тўғри-да, ёнингда севикли ёринг бўлмаса, атрофдагилар ёв бўлса, юксак орзу ва эзгу интилишлар бўлмаса баҳор дилга ором бахш этармиди?

*Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,*
*Булбул ўлгондек хазон фасли гулу гулзорсиз.*
*Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсудга йўл,*
*Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хуммормсиз.*

Қаранг-а, шоир ҳар бир фасли заҳар-заққум бўлган ҳаётни тилга олиш билан бирга, яна кўтаринки бир оҳангда хулоса ҳам чиқариб, одамларни кайфиятини чоғ қилишга даъват этмоқда.

Ёки Муқимийнинг:

*«Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,*
*Суҳбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоқлар!»*

каби хитоб билан чиқиши зулмат сукунати қоплаб олган кечада урилаётган бонгни эслатади ва гангиган бошларда хушёрлик уйғотади. Бу мисралар чиндан ҳам ҳаётни беҳад севган нотавон миллионлар фожиаси эди. Ахир «умр бўйи бир дам ҳам роҳат кўрмадим» деб ёруғ дунёдан изсиз ўтиб кетганларнинг, баҳор бахрини билмаган бу бечораларнинг ҳисобига етиб бўлармикан?

Шукурки, мустақиллик шарофати ила Баҳор ва Наврўз тушунчалари ўзгача маъно касб этади. Одамлар кайфияти ҳам илгаригидан тубдан фарқланади, мутлоқ ўзгача!

Наврўз! Нақадар сирли ва сеҳрли сўз. Бу сўзда бир олам маъно ва мазмун жаранглаб эшитилади. Уни бутун жонли мавжудот, бутун табиат кутади. У ажойиб бинафша навозиши ва булбул навосидир. Бутана сувлар овози ва тоғу далалар ясанган бахмал кўкат-чечаклар нози хаёлингни ўғирлайди беихтиёр. Айтишларича, «илик узилди»ларга биринчи табиий дармон бўладиган гиёҳлар шу пайтларда истеъмолга тайёр бўлади. Олма-ўрик ғунчаларининг очила бошлаши ҳам шу паллага тўғри келади. Қизалоқлар мажнунтолнинг нозик баргаклари ва толпопукларидан сумбул сочларига баргаклар тақадилар. Қийғос гуллаган боғларда гўзал кийинишиб, ўз ҳусн-назокатларини кўз-кўз қиладилар, сирли суҳбатлар қурадилар.

Наврўз, албатта назокатли айёмгина бўлиб қолмай, ижтимоий ҳаёт чизгиларининг дебочаси ҳамдир. Чунки, бу фасл моддий ва маънавий бойликлар яратишга жадал ундайдиган омилларга бой. Бу байрам нашидаси, тартиби, талаби деҳқонни далага олиб чиқади. Ёзувчи ва санъат аҳлини ижодга илдамлантиради. Хуллас, баҳор барча меҳнат аҳлини бунёдкорликка, яратувчиликка чорлайди. Дастурхон тўкинлиги ҳам аслида шу фасл туфайлидир. Тўкин ёзимиз, серҳосил кузимизнинг тамал тоши шу пайтларда қўйилади. Ахир, «Баҳорги ҳаракат - кузги баракат» эмасми?

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарурки, асосий гап фақат баҳор гулларидагина эмас, уни ғанимат деб билишда, қадрига етишда ҳамдир. Ахир ерни кечиктирмай ва яхши ҳайдаб, ўз вақтида уруғ сепсанг, дарахтларни қайчилаб тарасанг, ўтказган кўчатларингнинг бошини силасанг, чорвангга кўз қорачиғидек қарасанггина улардан барака оласан.

Шу боиски, ҳикматли ва ижодкор халқ ҳамиша Наврўзни ҳам баҳор, ҳам меҳнат, ҳам ҳаёт ва ҳайрат, хайрия байрами деб билган. Уни шундай ҳисоблаб, интизорлик билан кутган, мўъжизалар яратган.

Бир маҳаллар баҳори, Наврўзи татимаган аҳолисини ўйлаб, таниқли шоир Абдулҳамид Чўлпон шундай сатрларни алам билан ёзган эди:

*Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,*
*Кўнгуллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,*
*Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!*

Не бахтки, Наврўз эмин-эркин нафас олиш асосига қурилган шодлик ва меҳнат байрамига айланди. Юртимизда шодиёна ҳаёт хандаси эшитилмоқда.

**Маҳмуд НАЗАРОВ**





**Уйчи туманидаги Халқ таълими бошқармасига қарашли «Оймомо» болалар боғчасида айни пайтда меҳнаткашларнинг 110 нафар фарзанди тарбияланишмоқда. Бу ерда болалар тарбияланибгина қолмай турли касалликлардан ҳам фориғ бўлишмоқда.**

**Суратларда: боғча мудираси Ёқутхон Асрабоева ва тарбиячи Омина Қирғизовалар; ҳамшира Шаҳло Эргашева.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

**Наврўз байрами арафасида тўққизинчи синф ўқувчиси тўрақўрғонлик Феруза Абдуқаҳҳорова ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари қаторида у ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.**

## ИШТИЁҚ

Ферузанинг бундай нуфузли мукофотни қўлга киритгани тасодиф эмас. Унинг қаламига мансуб шеърий сатрлари лирик жўшқинлик, она Ватанга бўлган самимий муҳаббат билан йўғрилган. Ёш шоиранинг «Ташлаб кетма мени, болалик!», «Юлдузлар чорлаётир» каби шеърий тўпламлари чоп этилган.

Ф.Абдуқаҳҳорованинг шеърларида болаларча қизиқувчанлик ва ҳаяжон, ҳаётда ўз ўрнини топиш истаги ҳамда эртанги кунга ишонч яққол кўзга ташланади.

- Ферузанинг бошланғич синфдаёқ шеъриятга қизиқиши бизни ҳайратга соларди, - дейди унинг бувиси Маъсуда ая. - Ёдимда, уйимизга меҳмонлар келганда набирам уларга ўз шеърларини ўқиб берарди. Ўшандаёқ кўпчилик унинг бу истеъдодини пайқаган. Феруза энди ҳаётга қадам қўймоқда. Барча тенгдошлари каби, уни ҳам бахтли келажак кутмоқда.

Ферузанинг орзуси - ҳуқуқшунос бўлиш. Бу орзуга эришиш учун унда барча фазилатлар - билимга чанқоқлик, меҳнатсеварлик, мақсадга интилувчанлик мужассам.

**(ЎзА)**

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИДАГИ УЧРАШУВ

Гулистондаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Ўзбекистон ва Украинада хизмат кўрсатган бастакор, "Бизнинг Ўзбекистон" меҳрибонлик уйлари битирувчилари ташаббус гуруҳининг раҳбари Станислав Мансуров-Ковригенконинг муаллифлик концертида иштирок этишди.

Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган ушбу концертни "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси уюштирди.

Концертда "Олтин дарвоза" камер-мусиқий театрининг хонандалари Т.Санталова, С.Иванчук ҳамда Глиэр номидаги мусиқа мактабининг ўқитувчиси Л.Вашуриналар қатнашди. Ижодий кечада Ўзбекистон, Россия, Украина ва Франция шоирларининг шеърларига басталанган қўшиқлар янгради.

Бастакор С.Мансуров-Ковригенко болалар уйига Р.Чориев, В.Захарский ва Е.Фоменко каби мусаввирларнинг йигирмадан зиёд асарларини топширди.

Кечада Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам ўз санъатларини намойиш этишди.

## ЧАРОСНИНГ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги 249-мактабнинг ўқувчиси, ўн икки ёшли Чарос Исмоилованинг юздан зиёд расмлари ва кулолчилик буюмлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилмоқда.

- Бу Чароснинг илк шахсий кўргазмаси, - деди Республика болалар бадиий ижодиёти марказининг директори Санобар Шодиева. – Унинг асарлари миниатюра жанрига яқин келади. Чарос Ч.Ахмаров, Б.Жалолов, А.Мирзаев каби устозлар йўлидан бормоқда.

Чароснинг акварелда чизган ишлари турли мавзуларга бағишланган. Уларнинг аксарияти халқимизнинг анъана ва урф-одатларини акс эттиради. Шунингдек, ёш рассомнинг ишларида бошқа мамлакатларга қилган саёҳатлари ҳам ифода этилади.

Хусусан, Чарос 1997 йилда отаси билан Замбияда бўлганди. Ушбу сафар хотиралари кейинчалик бўёқларга кўчди. 2001 йилда эса у Италияда ўтказилган болалар фестивалида иштирок этди.

Ёш мусаввир анчадан бери чизади. 1999 йилдан бошлаб у Республика болалар бадиий ижодиёти марказида устозлар сабоғини ола бошлади. 2000 йилда рассомнинг ишлари ЮНИСЕФ ўтказган кўргазмада аъло баҳоланди.

**"Туркистон-пресс"**



Умидли ёшлар

## ЕТТИ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

**Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Сурхондарёда ҳам болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис спортнинг кўплаб турлари ёшлар орасида кенг оммалашмоқда. Бундан роппа-роса тўрт йил муқаддам Қумқўрғон енгил саноати касб-ҳунар коллежи қошида таэквандо клуби очилди. Унга 2-ДАН қора белбоғ соҳиби Абдужаббор Ботиров мураббий этиб тайинланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Ўша йилиёқ республика миқёсидаги нуфузли турнирда клуб жамоаси ғолиб чиқди. Ташаббускор мураббийнинг хизматлари вилоят ҳокимлиги томонидан юқори баҳоланди. Натижада 2001 йили вилоятда Таэквондо федерацияси ташкил топди.**

Бугунги кунда вилоятда 3000 нафар ёшлар таэквандо билан мунтазам шуғулланмоқда. Айниқса, Шўрчи, Қўшкўпир, Денов, Жарқўрғон ва Музрабод туманларида таэквандо клублари очилиб, уларга етарлича шароит яратилган. Вилоят терма жамоаси сафидан муносиб ўрин эгаллаган 60 нафар ёш Қумқўрғон енгил саноати касб-ҳунар коллежи спорт залида мунтазам шуғулланмоқда.

Айниқса, коллежнинг 1-курс талабаси, иқтидорли таэквандочи Дилноза Ғаниева маҳоратига тан бериш керак. У уч йил ичида турли хил мусобақаларда қатнашиб, зафар қучди.

Устоз отангдек улуғ дейишади. Бу нақл бекорга айтилмаган. Дилноза ҳам мураббийдан таэквандо сирларини эгаллаб кам бўлмади. У икки маротаба Осиё кубоги соҳиби, етти карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Қолаверса, ўтган йилнинг октябр ойида Жанубий Кореянинг Чунг-Чо шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида олтин медал билан тақдирланди.

Мақсадим шу йилнинг 12-18 июн кунлари Кореяда ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги 5-жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолибликни эгаллаш, –дейди Дилноза қатъият билан.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири**

Кураш

## САДОН ПОЛВОН ХОТИРАСИГА

**Қашқадарё заминида юзлаб довруғли спортчилар камол топган. Касбилик Саидмамат Саидов ана шундай донгдор полвонлардан бири эди.**

Республика жисмоний тарбия институтини, кейинчалик Тошкент Давлат миллий университети ҳуқуқшунослик бўлимини тугаллаган Саидмамат ёшлигидан кураш тушишга иштиёқманд эди. Вилоят прокуратура идораларида ишлаган даврида ҳам спорт майдонларини тарк этгани йўқ. Миллий кураш, самбо, дзюдо бўйича ўтказилган Республика мусобақаларида бир неча бор ғолибликни эгаллаб, Садон полвонга айланди. Спорт устаси деган шарафли номга сазовор бўлди.

Бевақт ўлим, бундан уч йил муқаддам адлия кичик маслаҳатчиси, Муборак туман прокуратураси терговчиси Саидмамат Саидовни 53 ёшида орамиздан олиб кетди.

Қалби - кенг инсоннинг эзгу ишлари доимо миннатдорлик билан тилга олинади.

Касби туманидаги «Оққамиш» қишлоғида Садон полвон хотирасига бағишлаб турнир бўлиб ўтди. Тажрибали спорт мураббийси Абдураҳмон Очилов ҳакамлик қилган мусобақада вилоятнинг барча туманларидан довруғли курашчилар қатнашдилар.

Турнирда Раҳим полвон, Меҳриддин, Нодир, Аббос, Орифжон ва Қаҳрамон полвонлар бош совринни қўлга киритишди. Садон полвоннинг кенжа ўғли Ижодхон курашга тушиб, рақибини мағлуб этганда полвоннинг вориси борлигидан қалблар қувончга тўлди.

- Саидмамат ҳам моҳир спортчи, ҳам одил ҳуқуқшунос эди, - дейди вилоят прокуратурасининг катта ёрдамчиси Мусо Шарипов. - Тадбир барча яхшилар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром рамзи бўлди.

**И.ҲИКМАТОВ**

Ибрат бешиги

## «НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАКДУРУР»

### ёхуд Навоий ижодида меҳру мурувват ғоялари

Халққа меҳру мурувват кўрсатиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш – Алишер Навоий ҳаётининг мазмун-моҳиятига сингиб кетган. Машҳур муаррих Мирхонд «Равзат ус-сафо» асарида: «Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқ...», – деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Навоийнинг барча эзгу фазилатлари ва хайрли ишларини, одамларга қилган яхшиликларини бирма-бир қайд этса, жилд-жилд китоб бўладики, уларнинг ҳажми шоирнинг ўзи ёзган асарлардан-да ошиб кетса, ажаб эмас. Ҳирот ва унинг атрофидаги вилоятларда Навоийдан у ёки бу даражада ёрдам олмаган, ундан бирор яхшилик кўрмаган одамни учратиш қийин эди. Навоий, хусусан, маърифат ва маданиятнинг буюк ҳомийси эди. Унинг моддий ва маънавий мададидан баҳраманд бўлган илму фан, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди. «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай, – деб ёзади бу ҳақда Бобур. – Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти билан мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлғай... Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди». «Вақфия» асарида буни Навоийнинг ўзи ҳам эътироф этади: «Қўлимдан келганча зулм тиғини қайтариб, бечораларнинг жароҳатига малҳам қўйдим. Қўлимдан келмаганини Ҳусайн Бойқародан илтимос қилдим». Ўз навбатида, Ҳусайн Бойқаро Навоийга йўллайдиган мактубларини ҳамиша шундай бошлар экан: «Ҳидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину давлат эгаларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайру эҳсон муассасаларига равнақ берувчи, салтанат устуни, подшоларни қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишер...»

Бу таърифларда сира муболаға йўқ. Навоий дўстини ҳамиша мамлакатни адолат билан бошқариш, фуқарога зулм қилмаслик, илму маданиятни ривожлантириш, юртни обод этиш, қисқаси, эзгу ва хайрли ишларни қилишга даъват этиб келди. Ўзининг қарийб қирқ йиллик ҳукмронлиги даврида Ҳусайн Бойқаронинг бошқа бирор мамлакатни босиб олмагани, тинчлик сиёсатини юргизиб, юртни обод қилгани ва илму маданият равнақига катта эътибор бергани Алишер Навоий туфайли эканлигини унутмаслик керак.

Давлатшоҳ Самарқандий: «Улуғ амирнинг иморатлари ҳамда хайр-эҳсонларининг ҳаммасини таърифлаб тугатиб бўлмас, чунки уларнинг ҳисоб-китобига етиб бўлмас», – деб лутф этади. Навоий даврида Ҳирот таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Шунинг учун ҳам Давлатшоҳ Алишер Навоийга бағишлаб ширу шакар усулида (туркий ва форсийда) ёзган қасидасида Навоийнинг мурувват ва саховат уйғунлашган фаолияти туфайли Ҳирот ҳам оламнинг дорулфазлига айланди, деган гўзал ва асосли бир фикрни билдиради.

Машҳур муаррих Хондамир эса унинг эҳсонидан бир қатрасини ерга тўксалар, лола ўрнига ҳар зарра тупроқдан Жамшид жоми униб чиқар эди дейди.

1500 йилнинг августида Ҳусайн Бойқаро Мозандаронда бўлганида харажатлар учун халқдан 100 минг динор кепакий солиқ йиғиб юборишга фармон беради. Ҳали ҳосилини йиғиб олмаган фуқаро учун бу солиқ оғирлик қилишини айтиб, бу маблағни Навоий ўз ҳисобидан тўлаб юборади.

Навоий ўзи қурдирган мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалар билан ҳам таъминлаб турган. Бу ерларда ҳар куни мискин-бечораларга таом тарқатилган, турли ёрдамлар кўрсатилган. Хондамирнинг ёзишича, «Халосия» хонақоҳида ҳар йили 2000 та пўстин, чопон, кўйлак-иштон, тақия ва кашф улашилган. Айниқса, рамазон ва қурбон ҳайитларида, рамазон ойида Навоийнинг хайру саховати чегара билмасди. Камбағаллар ўз ўлимларидан олдин ўзларини кўмишда Навоийдан ёрдам сўрашни васият қилиб кетар эканлар. Бу далиллар Алишер Навоийнинг хайру саховат тимсолига, ўз даврининг Ҳотами Тойига айланиб кетганлигидан далолат беради.

Меҳр-мурувват, хайру саховатда ўзи намуна бўлган Навоий ёзган асарлари орқали бошқаларни ҳам яхшилик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирган. Шоир нуқтаи назарига кўра инсоннинг инсонлиги аввало унинг ижтимоий фаолияти, халққа фойда келтириши, элнинг оғирини енгил қилиши билан белгиланади. Жамиятга фойдаси тегмайдиган, халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одам – одам аталишга нолойиқ:

*Одамий эрсанг, демагил одами*
*Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.*

Бу – Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта. Унинг ўзи ҳам халққа қанча кўп фойданг тегса, бунинг ўзингга фойдаси кўпроқдир деган қоида билан яшаган:

*Нафъинг агар халққа бешакдурур,*
*Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.*

«Маҳбуб ул-қулуб» асарида: «Битта нонни иккига бўлиб, ярмини очга берганни сахий де, ўзи емай, ҳаммасини муҳтожга берганни ахий де», – деб ёзади.

Савол туғилади: қўли очиқликда сахийдан ҳам ўтадиган ахий ким бўлди экан?

Х асрдан бошлаб Хуросон ва Мовароуннаҳрда футувват деб аталган ҳаракат кенг қулоч ёзган. Ўзларини жавонмардлар, ахийлар деб атаган бу тоифанинг мақсади – яхшилик, сифати – мардлик бўлиб, бутун умрини одамлар хизматига бағишлаш, ким бўлишидан қатъий назар барчага беғараз ёрдам қўлини чўзиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, ватан, элу юрт, дўсту яқинлар учун жонини қурбон қилиш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиб юриш, фақат эзгулик деб яшаш – уларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланган. Бошқача айтганда, жавонмардлик ёки ахийлик – дунёдаги барча яхши фазилатларни эгаллаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш демак. Шунинг учун ҳам «Қобуснома»да айтиладики: «... жавонмардликка яқин бўлғил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан».

Ахийнинг сахийдан устунлигининг сабаби шунда. Навоийнинг шу мазмундаги бир фарди ҳам машҳур:

*Мурувват барча бермакдур – емак йўқ,*
*Футувват барча қилмакдур – демак йўқ.*

Маълум бўладики, шоир тушунчасига кўра, ўзи емай, борини ўзгаларга бериш чинакам мурувват ҳисобланади. Футувват эса одамларга фақат яхшилик қилишу, лекин бу ҳақда гапирмаслик, яъни миннат қилмаслик. Унинг эътиқоди бўйича яхшиликни миннат қилиш – уни йўққа чиқариш билан баробар:

**Эргаш ОЧИЛОВ.**

## «ЭКОЛАНДИЯ МАМЛАКАТИ» ОРОМГОҲИ

Ўқувчи ёшларнинг экология бўйича билим ва тушунчаларини ўстириш, атроф-муҳит софлигини таъминлашда фаолликларини ошириш таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ана шу йўналишда самарадорликка эришиш учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

«Эколандия мамлакати» номи остида экооромгоҳини бунёд этишга киришилгани ҳам айни муддао бўлди. Мамлакатимизда илк бор ташкил этилаётган бу оромгоҳ ўқувчиларнинг ёзги таътилида кўплаб ўғил-қизларни ўз бағрига олади.

«Биоэкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси «Экосан» халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саъй-ҳаракати билан юзага келаётган «Эколандия мамлакати» оромгоҳида табиатнинг ёш дўстлари турли изланишларни ҳам олиб борадилар. Жойларга саёҳатлар уюштирилади, экологияга доир эркин мавзуларда реферат ёзадилар.

## «БЕҒУБОР БОЛАЛИК ТУШЛАРИ»

Ёшариш ва гўзаллик байрами Наврўз шодиёналарига республикамиз рассомлари ҳам тайёргарлик кўриб қўйишди. Шу қутлуғ кунга бағишлаб Тошкентда намойиш қилинадиган катта кўргазмада кўзга кўринган мўйқалам усталари асарларига кенг ўрин берилади.

Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков эса ўзининг «Беғубор болалик тушлари» деган туркум асарларини тақдим этди. Уларда бахтли болаликнинг қувонч ва шодликлари тараннум этилган.

Рассомнинг янги чизган бир неча картинаси ҳам намойиш қилинади. Томошабин улардан завқ олиб, рассом ижодий маҳоратидан баҳраманд бўлади.

## СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Хабарлар оқимидан

Мамлакатимизда «Тўмарис» ва «Алпомиш» спорт фестивали ўйинларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. - Бундай хайрли ишга бундан ўн йил олдин киришилган эди.

Шу сана муносабати билан республика семинари бўлиб ўтди. Унда бу ажойиб ҳаракатнинг ёшлар спорт ҳаётида тутган ўрни, амалга оширилган қатор ибратли ишлар тўғрисида гап борди.

Чиндан ҳам фестивал ўйинлари мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутмоқда. Республикамизда миллий спорт ўйинларини ўрганиш, ривожлантириш ва оммалаштиришда бу жараён муҳим омил бўлмоқда.

«Алпомиш» ва «Барчиной» спорт ўйинлари бўйича махсус тест саволлари тайёрланди. Аҳолининг жисмоний ҳолати ва саломатлигини аниқлашда бу тестлардан фойдаланилади.

Бу тестлар ёшларни жисмоний тарбияга жалб этишнинг меъёрий ҳужжати сифатида ҳам аҳамият касб этади.

**А.АЛИЕВ**

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.50
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Тиражи: 20242
Буюртма Г— 417
1 2 3 5 6